O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 2000 йил, 4 август, № 28 (263) ✡ Жума кунлари чиқади ✡ Сотувда эркин нархда



Энг улуғ, энг азиз истиқлол байрамига 28 кун қолди

● Муносабат

РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ана шу масалага алоҳида эътибор берилди

Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари яқинда бўлиб ўтган сессиясида катта ва масъулият билан «Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш — юксалиш гарови» мавзусида сермазмун нутқ сўзлади. Ушбу сессияда мамлакат вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ташкилотларининг вакиллари, вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари қатнашдилар.

Менда сессия ўзининг ўта муҳимлиги билан алоҳида таассурот қолдирди. Бу шунинг учунки, Қашқадарё воҳаси мамлакатда иқтисодий мустақилликни таъминлашда, айниқса, ёқилғи саноати жиҳатидан салмоқли ўринни эгаллайди. Ўрни келганда шуни айтиш керак: Ислом Каримов вилоятда раҳбарлик қилган (1986 йилнинг ноябридан — 1989 йилнинг июнигача) кезларда фақат қишлоқ хўжалиги тараққиётига эътибор берибгина қолмай, табиий газ ва нефть ривожини, унинг асосини таъминлашда катта саъй-ҳаракат қилган эди. Ўша пайтда Республиканинг тўлақонли ва эркин ривожланишида газ-нефтнинг ҳал қилувчи аҳамиятига алоҳида қаралганди.

Мана ҳур замонлар келиб мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва унинг истиқболини таъминлашда ушбу ривожланишнинг муҳим манбаи бўлмиш ёқилғи саноати заҳиралари ниҳоятда ҳам қўл келмоқда. Бунга сессияда йўлбошчимиз алоҳида аҳамият берди. Бу — биринчидан.

Иккинчи муаммо сифатида Ислом Каримов сессияда воҳанинг дон ва пахта етиштиришдаги алоҳида салоҳиятига тўхталди. Деҳқони бой мамлакат ҳамиша тўкин-сочин, бир сўз билан айтганда, фаровон яшаб келган. Бу ҳолат мамлакат миқёсида ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга.

Учинчи масала қилиб Юртбошимиз раҳбар масъулияти, унинг ташаббускорлигига алоҳида аҳамият берди. Дарҳақиқат, ҳар қандай муаммони одамлар, раҳбарлар ҳал қилишини яхши биламиз. Шу боис ҳам раҳбар масъулияти, дейилганда Ислом Каримов қуйидаги фалсафий-тарихий жиҳатларга алоҳида эътиборни қаратди. Зеро, катта тажриба ва билимга эга бўлиш одамлар билан ишлай билиш, уларни ўз ортидан эргаштириш, давлатнинг ҳал қилувчи вазифаларини бажаришга сафарбар қилиш, халқ дили ва истагини англаш ва ҳозиржавоблик билан улар талабини бажариш ҳамда ташкилотчилик билан бирга ташаббускор бўлиш — бугунги раҳбар салоҳиятини белгиловчи омиллар ҳисобланади.

Тўртинчидан, раҳбар ношуд, бепарво ва лоқайд бўлмаслиги, ишни ўзибўларчилик ҳолатига олиб бормаслиги, одамлар кўнглида пайдо бўладиган ишончсизлик кайфиятини юзага келтирмаслиги лозим. Шунинг учун Ислом Каримов «Кенг жамоатчиликнинг фикрига таяниш, оқсоқоллар, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган одамлар, оддий ишчи-деҳқонлар билан бамаслаҳат иш тутиш, уларни юксак мақсадлар сари сафарбар қилиш» — бугуннинг, иқтисодий ислоҳотларни тобора чуқурлаштиришнинг асосий шарти, раҳбарларнинг энг биринчи вазифаси эканлигини қайд этди.

Демак, ислоҳотларнинг моҳиятини, унинг истиқболини аввало раҳбарнинг ўзи яхши тушуниши зарур. Раҳбар ўз ҳудудининг муаммоларини, эҳтиёжларини чуқур англаб, халқ ишончини қозониб, уларни рози қилиб, ўзининг ташкилотчилик ва амалий ишлари билан одамлар ҳурматига муносиб бўлиб ишлаган тақдирда улар унинг обрўйига обрў қўшади ва унга эргашадилар.

Йўлбошчимиз, «Кадрлар тайёрлашда, айниқса, иқтидорли ёшларни масъул вазифаларга қўйишда ўзибўларчилик ҳоллари мавжудлигини таъкидлаб, ўта муҳим бу масала ўз ҳолига ташлаб қўйилган, турли бўғиндаги раҳбарларни танлаш ва тарбиялаш, кадрлар заҳираларини тузиш бўйича аниқ дастур ёки режа деярли йўқ», дедилар. Маълум бўлишича, кадрларга бундай муносабат ҳеч қачон яхшиликка, фаровон яшаш, истиқболли тараққиётга олиб келмаган.

Шу ўринда ҳазрат Амир Темурнинг: «Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир» деган сўзлари мамлакатимиздаги барча катта-кичик раҳбарлар учун ибрат бўлиши керак.

Раҳбарни эл танлайди, эл унга ишонади ва эргашади, ўнлаб, юзлаб муаммоларни ҳал қилади.

— Аммо эл-юрт томонидан билдирилган ишончни оқлашга интилиш, Худо берган ақл-заковатини, билими, тажрибасини, бутун борлиғини сафарбар қила олиш аввало одамнинг ўзига боғлиқ,— дейди Юртбошимиз— Ҳаётнинг ўзи бу масалага вақти келганда аниқлик киритиши муқаррар. Бу барчамиз учун тушунарли деб ўйлайман.

Очиғини айтганда, раҳбарни ўзгартириш билан муаммо ҳал бўла қоладими? Албатта, қатъий ишонч билан айтиш керак — раҳбарга, унинг масъулиятига, салоҳиятига жуда кўп нарса, ҳатто ҳамма масала боғлиқ?! Ислом Каримов бунга вилоятда ишлаб, ишонч ҳосил қилганларини шундай изоҳладилар: «Бизнинг энг катта бойлигимиз меҳнаткаш, ҳалол ва фидоий халқимиздир. Қашқадарё воҳасида айнан мана шундай одамлар яшайди. Уларга ишониб, уларга суяниб-таяниб кўп ишларни амалга ошириш, барча мушкул муаммоларни ҳал этиш мумкин. Мен буни мана шу вилоятда ишлаган давримдаги ўз тажрибамдан яхши биламан.

Вилоят аҳли, раҳбарлар янги ҳоким билан жипслашиб, мамлакат тараққиётида салмоқли ўринни эгаллаган Қашқадарё воҳасини янада ўз нуфузига кўтаришига ишонамиз!

Карим НОРМАТОВ.



Ўтган йиллар ичида Ўзбекистон пойтахти янги қурилишлар ҳисобига тобора чирой очиб, кўркамлашди. Бу ерда ишга туширилган бир-биридан бетакрор бинолар шаҳарда бунёдкорлик ишларининг юқори даражада йўлга қўйилаётганлигидан, унга алоҳида эътибор берилаётганлигидан далолат бериб турибди. Айниқса, Тошкентнинг кенг ва равон йўллари пойтахтликлар ва меҳмонлар қувончига қувонч қўшмоқда. Шаҳарда йўлсозликнинг янги йўналиши вужудга келаяпти. Кўпчилик Юнусобод билан Қўйликда ишга туширилган кўприкнинг қулайлигини ҳали-ҳали тилидан бол томиб сўзлайди. Шунга монанд Тошкентнинг яна иккита жойида, яъни, Чилонзор билан Юнусобод туманларида янги кўприклар барпо этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўққиз йиллиги кенг нишонланадиган кунларда бу муҳим иншоотларни ишга туширишу учун қурувчилар иш суръатини тобора жадаллаштирмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: қурилишда алоҳида фидокорлик кўрсатаётган Зуннур Фабиров; ҳадемай бу ерда янги қулайликлар вужудга келтирилади; янги кўприкнинг умумий кўриниши; сўнгги блоклар иншоотни янада мустаҳкамлаяпти; «Като» автокранчиси Турсунбой Бердиқулов ўз ишидан мамнун.

Эркин БОТИРОВ олган суратлар.

ҒАЛЛА ЎҒРИЛАРИ:

РАИСЛАР ВА ҲОКИМНИНГ ҲАЙДОВЧИСИ БЎЛИБ ЧИҚДИ

Самарқандда дув-дув гап. Пастдарғом тумани ҳокими Шавкат Исановнинг ҳайдовчиси Акрам Назаров, «Хончарбоғ» ширкат хўжалиги раиси Йўлдош Наҳанов, туман ички ишлар бўлимига қарашли қўриқлаш бўлинмаси милиционери Садриддин Омонов ва бошқалар қамоққа олинибди. Ҳамма ҳайрон. Наҳотки, ҳокимнинг ишонганлари қамалиб қолсая?!.

2000 йилнинг 8 июли. Шанба куни. Туман ҳокимининг хизмат автомашинаси ҳайдовчиси Акром Назаров «Хончарбоғ» ширкат хўжалиги томон йўл олади. Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Йўлдош Наҳанов «катта»нинг ҳайдовчисини илиқ кутиб олади.

— Раис бува, ғалладан ҳақ сўраб келдик, — дейди А. Назаров. Кимсан ҳокимнинг ҳайдовчиси, йўқ деб бўлармиди! Раис ҳеч иккиланмай хўжалик омборидан ҳужжатларни расмийлаштириб дон қабул қилиш корхонасига жўнаб кетаётган, хўжаликка ғалла ташиш учун беркитилган 100-сонли автокорхонага тегишли У. Якубов бошқарувидаги «ЗИЛ-130» русумли 55-41 СНМ давлат рақамли автомашинадаги ғаллани олиб кетишга фатво беради. А. Назаров 3800 килограмм буғдойни шу тумандаги таниши Т. Якубовнинг уйига олиб бориб туширади. Т. Якубов шу ғаллани бир қисмини сотаётган пайтда қўлга олинади. Ширкат хўжалигининг буғдойини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилганларнинг сири очилиб, юзи қора бўлди. Энг ачинарлиси, ўғирлик ва талон-тарожликларни олдини олишга масъул бўлган ички ишлар бўлимига қарашли қўриқлаш бўлинмаси милиционери Садриддин Омоновнинг ўзи жиноятга шерик бўлган. Демак, ҳокиминнинг ички ишлар бўлими ходимлари ўртасида қонунларга амал қилмаслик рўй берган экан, бунга тегишли баҳо бериш лозим. Ички ишлар ходимлари ўртасида интизомни мустаҳкамлаш, қонунчиликка сўзсиз амал қилиш муҳитини яратиш керак.

Деҳқоннинг косасини оқартириш, нонини бутун қилиш, меҳнатини улуғлаш ўрнига унинг ризқига чанг солган ҳаромтомоқ ҳаққон раҳбарлар нега жиноятга қўл урди?

Маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «2000 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари тўғрисида»ги қарор талаблари туманда бажарилиши қониқарли эмас. Мавсумда ҳосилни нобудгарчиликсиз, қисқа муддатларда ўриб олиш ва давлатга сотишни ташкиллаштириш вазифалари юклатилган айрим масъул мансабдор шахслар ва хўжаликларнинг раҳбарлари ўзлари бош эл ризқини талон-тарож қилса, ўғирлаб қариндошларига бериб юборса?!

Пастдарғом туманини ўткир қалам тиғи остига оляпмиз. Бунга асосларимиз бор. Чунки бундан икки ой аввал ғалла ўрими бошланган кунлари туманнинг яна бир хўжалик раиси қўлга тушганди. Биринчи июнь куни кечқурунги 23лар чамаси «Қумтепа» ширкат хўжалиги раиси Мусурмон Рўзиқулов эл ризқига чанг солиб, хотамтойлик қилади. Раис ўзининг қудаси Жума шаҳар «Бўстон» маҳалла қўмитаси раиси Нарзулла Ҳамиджоновнинг ғалла сўраб қилган илтимосини ерда қолдирмади.

Хўжалик ғалла майдонларида етиштирилган арпа ҳосилини центнердан камайтириб кўрсатиш ҳисобидан умариб қолинган ҳар килограмминг нархи 17 сум 11 тийинлик 4 тоннаю 470 килограмм арпа донини онгли равишда, олдиндан тил бириктириб хўжалик омбор мудири Баҳриддин Бекниёзов, «Балхиён» автомобиль акционерлик жамиятидан ғалла маҳсулотларини ташиш учун жалб қилинган «КАМАЗ-5510» русумли 81-54 СНА давлат рақамли автомашина ҳайдовчиси Кўчқор Аҳадов билан раиснинг қудасиникига олиб келишади. Нарзулла Ҳамиджонов эса текингина ғаллани кўриб боши осмонга етади. Омбор мудири ва ҳайдовчига йўлкира ҳақи деб 4 минг сўм пул беради. Улар бу пулни бўлиб олишади. Наҳотки, маҳалла қўмитаси раиси шунча ғалла кўпчиликнинг ризқи эканини билмаса?! Билади, аммо нафс балоси ёмон. Қиғир ишнинг қийиғи чиқди. Ойни этак билан ёпиб бўлармиди? Эл ризқига ҳаром панжасини урган олғирларнинг кирдикорлари тездагина ошкор бўлди. Раис бошлиқ жиноятчилар қора курсига утиришди. Суд ҳукми билан улар қилмишларига яраша жазосини олдилар.

Шу ўринда хўжалик раиси Мусурмон Рўзиқулов фаолияти ҳақида икки оғиз фикримизни баён қилсак. У 1995 йилдан буён хўжаликка раислик қилади. Шуниси ажабланарлики, 1996 йили у Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 228-моддаси 1-қисми билан судланиб, жазоланганидан кейин ҳам ўзига хулоса чиқармади. Охир-оқибат яна жиноят содир этди. Туман раҳбарлари эса унинг аввал ҳам судланганидан гўё хабарлари йўқ. Аввалроқ раис фаолиятига баҳо берилганида эди, афсус...

Арпа дони ҳосилдорлигини сунъий равишда камайтириш ҳолати туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг мутасадди ходимлари ўз вақтида тегишли назоратни олиб бормагани оқибатида содир бўлган.

Туманда ғалла етиштиришнинг бугунги аҳволига бир назар ташлайлик. Бу борадаги режалар барбод бўлди. Давлатга ғалла сотиш 77,6 фоизга бажарилди, ҳолос. Юқорида номи зикр этилган раислар бошқарган «Хончарбоғ» жамоа хўжалигида бу кўрсаткич 56,18 фоизда, «Қумтепа» ширкат хўжалигида эса режа 69,99 фоизда қолиб кетди. Албатта, қиғирлик бор жойдан хайр-барака кутарилаверади. Бир туманнинг ўзида икки раис ғаллани талон-тарож қилса-ю ҳоким Шавкат Исанов жаноблари-нинг бу воқеаларга муносабати бизни ҳайрон қолдирди.

Ҳоким ўзини гўё беайб ҳисоблайди. Унинг ўзига ишончи шу даражага бориб етганки, ишонган кишиларингиз томонидан ғалла талон-тарожлиги содир этилишида сизнинг назоратни бўшаштириб юборганингиз ҳам сабаб бўлгандир? — деган саволимизга «мени ҳеч қандай айбим йўқ, буни ҳатто полковниклар ҳам исботлай олмай қайтишди, бундай ўғирликлар аввал ҳам бўлган, кейин ҳам бўлаверади», деди. Қани айтинг-чи, бир туманнинг ўзида ҳокимнинг шахсан ҳайдовчиси ва икки раис тонна-тонналаб ғалла ўғирласаю, ҳоким оппоқ қолаверса, бу ахир адолатданми?

Бизнингча, туман раҳбарларининг кадр танлашдаги фаолияти чуқурроқ таҳлил этилиб, муносиб баҳо бериладиган фурсат келганга ўхшайди. Зеро, бундай жиноятлар бундан кейин содир этилмасин.

Пастдаргомдан қайтар эканмиз, азим Самарқанддан унчалик узоқ бўлмаган туманда ободончилик ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан ташвишландик. Айниқса, туман маркази бундан 4-5 йил аввал қандай бўлса шундайлигича. Ободонлаштириш ҳақида ҳоким қайгурмаса ким қайғуради? Туман ўзимники, уни обод қилсам ўзимга нафи тегади, болаларимга мерос қолади деган тушунча йўқлигидан афсусландик. Нима учун туманда ободончилик ишларига эътибор кам?

Ўйлаймизки, Самарқанд вилояти ҳокимияти туман раҳбарлари фаолиятига қатъий фикрларини билдиради.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Адолат»нинг махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси 2000 йил 30 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 2000 йил 28 июл.

* * *

Олий Мажлиснинг учинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.
2. «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
3. «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
4. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
5. «Судлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
6. «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
7. «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
8. «Радиация хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
9. Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
10. «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Шу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

Internet ДУНЕ: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

● ЛОНДОН. Буюк Британияда 30 мингдан ортиқ қамоқхона ходими иш ташлади. Англия, Уэльс ва Шотландияни қамраб олган намойиш қамоқхона офицерлари уюшмаси томонидан ташкил қилинган бўлиб, охирги 60 йил ичида энг каттасидир. Намойишчилар ҳукуматдан қамоқхоналарни хусусийлаштириш режасидан воз кечишни талаб қилмоқда. Ушбу соҳани ислоҳ қилишга уринишлар саккиз йилдан буён давом этиб келади.

* * *

● ХАРАРЕ. Бутун Зимбабве бўйлаб ҳукуматдан мамлакатда тартиб ўрнатиш талаби билан 24 соатлиқ норозилик намойиши ўтказилди. Мамлакат касаба уюшмалари конгресси томонидан уюштирилган ушбу тадбирга оқ танлилар фермаларида давом этаётган можаролар сабаб бўлди. Мамлакатда 3 мингдан ортиқ «оқ ферма» эгаларидан тортиб олиниб, қора танлилар орасида тарқатилмоқда.

Намойишчиларни мамлакатдаги асосий мухолиф партия — Демократик ўзгаришлар ҳаракати, шунингдек, Миллий конституция ассамблеяси ҳамда Фермерлар иттифоқи қўллаб-қувватлади.

* * *

● ТЕЛЬ-АВИВ. Исроил ташқи ишлар вазири Девид Леви истеъфога чиқди. У бош вазир Эҳуд Барак юритаётган сиёсатдан норозилиги туфайли шундай қилди.

Д. Леви Э. Баракни яқинда Кемп-Дэвидда бўлиб ўтган Исроил-Фаластин музокараларида фаластинликларга жуда кўп ён босганликда айблади.

* * *

● БАҒДОД. Ироқ ҳукумати мамлакат ҳаво кенгликларини қамал қилиш тўғрисидаги қарори учун АҚШ ва Буюк Британия устидан Гаагадаги Халқаро судга арз қилмоқчи. Бағдод расмийларининг фикрича, мазкур икки мамлакатнинг бу ҳатти-ҳаракатлари қонунга хилоф ишидир, чунки БМТ резолюцияларида Ироқ билан ҳаво алоқаларини тақиқлаш тўғрисида ҳеч қандай гап йўқ.

Куни кеча Иордания БМТ бош котиби Кофи Аннанга Бағдод билан Уммон ўртасида юк ва йўловчи ташиш учун ҳаво алоқаларини қайта тиклашга рухсат сўраган эди. Бироқ, АҚШ давлат департаменти вакилининг айтишича, Вашингтон БМТ Хавфсизлик Кенгашига Ироқ ҳаво қамалини бекор қилиш ҳақида киритилган ҳар қандай таклифга кескин қаршилик кўрсатади.

* * *

● ДАМАШҚ. 19 йиллик танаффусдан сўнг Сурия билан Ироқ ўртасидаги темир йўл алоқаси тикланди. Ироқнинг Мосул шаҳридан Сурияннинг Ҳалаб шаҳрига биринчи поезд 11 август куни ўтади.

Мосул-Ҳалаб темир йўлини тиклаш ишлари билан бирга Сурия, Ироқ ва Эрон темир йўлларини туташтириш лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилмоқда. Агар у амалга ошса, Ўрта ер денгизи, Форс кўрфази ҳамда Ўрта Осиёни бирлаштирувчи стратегик аҳамиятга эга бўлган улкан магистраль пайдо бўлади.

* * *

● ПРАГА. Чехия раҳбарияти мамлакат ҳарбий-ҳаво кучларига машқ парвозларини вақтинча тўхтатиш тўғрисида кўрсатма берди. Бунга ўтган ҳафта мамлакат шарқида юз берган ҳалокат сабаб бўлди. Ушанда «Л-29 Делфин» русумли самолёт ерга қулаб тушган ва учувчи ҳалок бўлган эди. Энди ҳар қандай жанговар самолёт жиддий техникавий текширувдан ўтгачгина парвоз қилиши мумкин.

Москва Давлат Университети.

Партия ва ҳаёт

КЎПРОҚ ХАЛҚ ИЧИДА БЎЛИБ, ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

Жаҳондаги кўпгина давлатларнинг илғор тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай мамлакатда жамиятни демократлаштириш учун сиёсий партияларнинг тузилиши, хусусан кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши зарурлигидан далолат бермоқда. Аҳоли турли қатламларининг манфаатларини ифода этувчи сиёсий партияларсиз чинакам демократик жамият, давлатнинг бўлиши мумкин бўлмаганидек, демократия тамойилларининг қарор топишини ҳам сиёсий партияларнинг тўлақонли фаолиятисиз тасаввур этиш қийин.

Худди шундан келиб чиқиб, мустақил Ўзбекистонда сиёсий институтлар, фикрлар хилма-хиллиги тизимини қарор топтиришга истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ жиддий эътибор бериб келинмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистон фуқароларини ижтимоий, иқтисодий-сиёсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, Республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш, Ватанга садоқатли хизмат қилиш ниятида ҳудудимизда тузилган биринчи социал-демократик партиядир. Партиянинг асосий мақсади, мустақил Ўзбекистон Республикасида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган сиёсий иқтисодий-ижтимоий муносабатлар қарор топган адолатли фуқаролик жамиятини қуришдир. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг жанговар тизимларидан бири бўлмиш Тошкент вилоят ташкилоти ҳам партиямиз Сиёсий Кенгаши қарорларида партия ташкилотлари олдига қўйилган талаблар даражасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Маълумки, Тошкент вилояти Республикамизнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган, саноати, қишлоқ хўжалиги, қурилиш индустрияси ва транспорти юқори даражада мужассамлашган энг йирик вилоятлари сафига киради. Вилоятнинг умумий ер майдони 1,5 миллион гектардан ортиқ бўлиб, бу Республика умумий ер майдонининг 3,5 фоизини ташкил этади, унда қарийб (Тошкент шаҳри билан ҳисоблаганда) 5 миллион аҳоли яшайди. Вилоятда катта кимё, кўп тармоқли машинасозлик, энергетика, кўмир саноати, тоғ рудаси, металлургия, енгил ва озиқ-овқат саноати бунёд этилиб, жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Вилоятимизнинг Ангрен, Олмалиқ, Оҳангарон, Бекобод, Чирчиқ каби саноат шаҳарлари ўз маҳсулотлари билан нафақат мамлакатимизни, балки кўплаб яқин ва узоқ хорижий давлатларни ҳам таъминлаб келмоқда.



Олмалиқдаги тоғ-металлургия комбинати, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ангрен ва Янги-Ангрен ГРЭСлари, Ангрендаги «Резинотехника» корхонаси, Оҳангарондаги «Сантехлит» ва «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводи, «Бекободцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқдаги «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, қишлоқ хўжалик машинасозлиги очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, «Трансформатор» каби корхоналар Республикамизнинг иқтисодий тараққиётини ривожлантиришга салмоқли ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов ўзининг Тошкент вилояти меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган сайловолди учрашувида шундай деган эди: «Тошкент вилояти бугунги кунда Республика саноати маҳсулотининг 11,5 фоизини, кўмирнинг — 98, цементнинг — 43, электр энергиясининг — 45, пўлат ва металл прокатининг 100 фоизини ҳамда рангли металнинг асосий қисмини ишлаб чиқармоқда.

Кейинги йилларда вилоятда замонавий технологиялар билан жиҳозланган кўплаб янги қувватлар ишга туширилди. Улар жумласига Тўйтепадаги «Кабол-Узбек Компания» қўшма корхонаси, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларидаги замонавий пойафзал фабрикалари, «Каноф», «Конмит», «Кибо» каби қўшма корхоналар киради. Умуман олганда, вилоятда хорижий сармоялар иштирокида 100 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Ишлаб чиқаришда жуда кўплаб маҳсулот турлари ўзлаштирилди».

Буларнинг ҳаммаси биз экологлар зиммасига катта масъулият юклайди ва йирик табиат муҳофазаси, тадбирларини амалга оширишни тақазо этади. Мен вилоятимизнинг иқтисодий салоҳияти ва унинг экологик ҳолатига бежиз тўхтамадим. Чунки, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг дастурида мамлакатимиз ҳудудида тўпланиб қолган экологик муаммолар ва уларни ҳал қилиш билан боғлиқ масалалар етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Энди Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент вилоят ташкилотининг бевосита фаолиятига тўхтаб шуни айтишим керакки, 1995 йилнинг апрель ойида ташкил бўлган вилоят партия ташкилотида дастлабки кунларда яхши ишлар олиб борилган. Бироқ, орадан сал вақт ўтмай бу иш билан ҳеч ким шуғулланмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Партияни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш борасида ишлар амалга оширилмаган, жойларда ҳатто бундай партия борлигини одамлар яхши билишмаган ҳам. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши вилоят партия ташкилоти фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларни атрофлича ўрганиб чиқиб, уни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашни маслаҳат берди. Шу боисдан ҳам партия ташкилоти Кенгашининг 1998 йил 8 июлда бўлиб ўтган навбатдан ташқари пленумида йўл қўйилган камчиликлар рўй-рост очиб ташланди ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб берилди. Пленумда ташкилий масала кўрилиб, вилоят партия ташкилоти Кенгашининг янги раҳбарияти сайланди.

Вилоят партия ташкилотининг янги раҳбарияти айнан экологлардан сайланишининг ўзига хос рамзий маъноси бор, албатта. Чунки, юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг дастуридан мамлакатимиз, шу жумладан вилоятимиздаги муаммолар ва уларни давлат ҳамда жамоатчилик ташкилотлари билан биргаликда ҳал қилиш масаласи партия сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида ўрин олган.

Янгидан сайланган раҳбарият ўз фаолиятини вилоятнинг шаҳар ва туманларига чиқиб, жойлардаги аҳвол билан яқиндан танишишдан бошлади. У ердаги маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари билан учрашиб ва улар билан бамаслаҳат шаҳар ва туман партия ташкилотларининг раҳбар органларини сайладик. Ҳозирги кунда вилоятимизда 6 та шаҳар ва 15 туман партия ташкилотлари бўлиб, уларнинг сафларида 3 мингдан зиёд партия аъзолари бор, ҳамда 150 дан зиёд бошлангич партия ташкилотлари мавжуд.

Вилоят партия ташкилотининг 1998 йил июль пленумидан кейинги ўтган давр ичида 6 та пленум ўтказилиб, унда вилоят партия ташкилоти ҳаёти билан боғлиқ бўлган муҳим масалалар муҳокама қилиниб, уни ҳаётга тадбиқ этиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Бошқа соҳалар каби сиёсий ташкилотлар фаолиятида ҳам барча ютуқлар ва муваффақиятсизликларнинг бош калити раҳбар ходимлар эканлигини яхши англаб тушунган вилоят партия ташкилоти раҳбарияти кадрлар масаласига ҳамиша жиддий эътибор бериб келмоқда. Партиянинг сайланма органларини муносиб кишилардан шакллантириш, барча даражадаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари котиблигига янгича фикрловчи, иймон-эътиқодли, изланувчан, ташаббускор, ташкилотчи, обрў-эътиборли, фидойи инсонларнинг сайланишига эришиш бирваракайига ва бир кунда ҳал этиладиган иш эмас. Бу ўта нозик, масъулиятли ва узоқ муддатли вазифадир.

Унинг ўзига хос қийинчиликлари шундаки, биринчидан, гап асосан жамоатчилик асосида бажариладиган (яъни асосий иш вазифасидан ташқари) масъул ишлар устида борса, иккинчидан партиянинг кадрларни тайёрлаб берадиган махсус сиёсий институтлари йўқ. Шунинг учун, бир томондан раҳбар ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишда асосий эътибор партия аъзолари ичидан муносиб кишиларни аниқлаш, уларнинг ишчанлик, ташкилотчилик, одамлар билан ишлаш қобилиятларини ўрганиб чиқиб, тавсия этишга эътибор берилса, иккинчи томондан сайлаб қўйилган фаолларнинг сиёсий савияси, маданий даражасини оширишга, уларни замонавий иш усуллари, пешқадам ташкилотлар тажрибаси билан таништиришга ҳаракат қилиниши лозим.

Шу нарсани эътироф этиш жоизки, қайси бир шаҳар ва туманда, ёки корхона, ташкилот, муассаса, хўжаликдаги бошланғич партия ташкилотларида ишлар талаб даражасида бўлса, ўша ерда ижтимоий-сиёсий вазият барқарор бўлиши муқаррар. Бу борада вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарларининг кўмагини доимо ҳис қилиб турибмиз. Вилоятимизнинг кўпгина шаҳар ва туман партия ташкилотларига ҳоким муовинлари етакчилик қилиб келмоқдалар. Оҳангарон шаҳар партия ташкилоти Кенгашининг биринчи котиби, шаҳар ҳокимининг биринчи муовини Абдулазиз Уралов, Қибрай туман партия Кенгашининг биринчи котиби, туман ҳокимининг муовини Баҳодир Ҳакимов, Паркент туман партия Кенгашининг биринчи котиби, туман ҳокимининг муовини Искандар Мирсаидов ва бошқалар шулар жумласига киради.

Мустақиллик шарофати билан давлатимиз ва шахсан юртбошимиз хотин-қизларнинг жамиятимизда тутган ўрнини доимо муносиб баҳолаб келмоқда. Ҳақиқатдан ҳам жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларда, мамлакатимизнинг буюк келажаги сари олға қадам ташлашида аёлларимизнинг роли бебаҳодир. Уларнинг ўз Ватанига, халқига содиқлиги, ўз севгисига, оиласига, усиб бораётган ёш авлодларни жамиятимизнинг ҳар тарафлама етук, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш борасидаги фидойиликлари олдида бош эгиб, таъзим қиламиз. Шуни ифтихор ҳис-туйғулари билан изҳор этиш керакки, бундай фидойи аёллар бизнинг партиямиз сафларида ҳам талайгина бор. Бекобод шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, шаҳар ҳокимининг муовини, Узбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг аъзоси Гулзира Ҳошимжоновна Шарипова, Бекобод туман партия Кенгашининг иккинчи котиби, туман халқ таълими бўлими услубчиси Донохон Жумабоева, Оҳангарон туман партия Кенгашининг иккинчи котиби, туман телефон алоқаси бўлими бош муҳандиси Ҳакима Абдужабборова, Бўстонлиқ туман партия Кенгашининг биринчи котиби, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман ҳокимининг муовини Турсуной Казакова, Чирчиқ шаҳар партия Кенгашининг иккинчи котиби, шаҳардаги 12-сон ўрта мактаб директори Саида Мирзараҳимова, Бўка туман партия Кенгашининг иккинчи котиби, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Муҳтабар Холиқова, Тошкент вилояти партия ташкилоти Кенгашининг котиби, Қибрай туманидаги 1-сон умумтаълим мактабининг директори Мавлуда Раимова, Янгийўл туман партия Кенгашининг иккинчи котиби Минаввара Камолова каби доно аёлларимиз билан фахрланамиз.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган III пленуми партия ташкилотларида ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, муҳокама қилди. Партия Сиёсий Кенгашининг котиби Анвар Жўрабоевнинг ушбу масала юзасидан қилган маърузасида кўплаб вилоят партия ташкилотларининг фаолиятини ижобий баҳолаш билан бирга айрим вилоятлардаги камчиликлар рўй-рост очиб ташланди. Пленумда бизнинг вилоят партия ташкилоти фаолияти ижобий баҳоланган бўлсада, бироқ ҳали бизда ҳам камчиликлар кўп.

Биз пленум қарорлари асосида ўзимизга тадбирлар белгиладик ва уни амалга ошириш учун ҳаракат қиламиз.

Партия ташкилотларининг бугунги кунда биринчи галда амалга оширадиган ишлари — бу партия аъзолик бадалларини тўлаш партия Низоми бўйича ҳар бир партия аъзосининг асосий вазифаларидан бири эканлигини англатиш, ҳар бир партия аъзосининг партия ташкилоти ишларида фаоллигини оширишдан иборатдир.

Албатта шаҳар ва туман партия ташкилотлари ва уларнинг фаолияти рисоладагидек бўлиши учун ҳали кўп изланиш, меҳнат қилиш, уларни такомиллаштириш керак. Фақат шундагина, у ўз олдида турган муҳим вазифаларни бажара олади. Бу эса ҳар бир бошлангич партия ташкилоти, унинг ҳар бир аъзосининг мақсадли, фаол ва самарали ҳаракатига боғлиқ.

Турғун ИРГАШЕВ,
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг аъзоси, Тошкент вилояти партия Кенгашининг биринчи котиби.

Солиқ тизими

МАСЪУЛИЯТ КУЧАЙМОҚДА

Мамлакат иқтисодий қудратини ошириш кўп жиҳатдан бюджет маблағларига бориб тақалади. Ана шу муҳим омилнинг қай даражада амалга оширилаётганлиги солиқ тизими ишига боғлиқдир.

Шундай экан, жаҳон тажрибасига таяниб, республикамизда солиқ тизимини ҳар томонлама ривожлантириш ва унга шарт-шароитлар яратиб бериш долзарб масаладир.

Бухоро вилоятининг айрим туман солиқ инспекциялари иш фаолияти илгари танқид остига олинган эди. Олот туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ахтам Эшонқулов танқидлардан хулоса чиқарган ҳолда жамоада амалга оширилаётган ишлар хусусида «Туркистон-пресс» мухбирига сўзлаб берди.

— Дарҳақиқат, солиқ инспекцияси ходимлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳали талаб даражасида эмас. Ишни талаб даражасида бажариш учун Президентимиз, ҳамда Вазирлар Маҳкамаси, Давлат солиқ қўмитаси томонидан чиқарилаётган Фармон ва қарорларга амалий иш билан жавоб бериш мақсадида солиқ тизими ходимлари масъулият билан тиним билмай ишлаяптилар.

Ана шу нуқтаи назардан туманимиз солиқ инспекцияси ходимлари жорий йилнинг ўтган 6 ойида сезиларли кўрсаткичларга эришдилар. Режадаги 189 миллион 0,47 минг сўм ўрнига бюджет тушумларини 193 миллион 241,4 минг сўмга етказдик. Бу борада режа 103,3 фоизни ташкил этди. Туманда рўйхатдан ўтган корхоналар 1029 та бўлиб, шундан 914 таси фаолият кўрсатаяпти. Айрим қурилиш ташкилотлари солиқ тўлаш борасида ҳафсаласизлик қилишмоқда. Муддатда бажарилмаган талабномалар бўйича 312 миллион 418 минг сўмлик 17 та ариза вилоят хўжалик судига ҳавола этилиб, масала ижобий ҳал этилди. Инспекцияда жисмоний шахсларни солиққа тортиш анча яхши йўлга қўйилган. Бу асосан республика Президентининг 2000 йилнинг 11 февралида идораларо мувофиқлаштирувчи кенгашида сўзлаган нутқлари ва танқидий фикрларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорларга кенг йўл очиб бериш учун уларнинг ўз хоҳиши билан солиқ тўлаш учун рўйхатдан ўтиши ҳам анча ўзгарди, яъни ўтган йил 1 июл ҳолатига 268 та тадбиркор рўйхатдан ўтган бўлса, бу йилги кўрсаткич 290 тани ташкил қилмоқда.

Туман солиқ инспекцияси ходимлари ўтган давр мобайнида 80 та корхонада солиқ қонунчилиги бўйича текширишлар ўтказиб 54 кишига маъмурий жарима қўлладилар. «Олот» ижара хўжалик раиси К. Сафаров, бош ҳисобчи А. Саидов, Ф. Хўжаев номли жамоа хўжалиги бошқарув раиси Г. Рўзиев, собиқ бош ҳисобчи А. Андаевлар нақд пулни ноқонуний сарфлаганликлари учун тегишли маъмурий жаримага тортилди.

Туманимиз қўшни Туркманистон Республикаси билан чегарадош бўлганлиги учун айрим фуқаролар мўмай даромад топиш мақсадида Республикамизга ноқонуний равишда акциз маркасиз сигаретлар олиб киришлари аниқланмоқда. Жумладан, Ш. Мустафоев, Ж. Шомуродов, А. Саидов сингари фуқаролар шу иш билан шуғулланганлиги аниқланган ва ҳужжатлари тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига чора кўриш учун узатилган.

Муҳими, иқтисодий тараққиёт омилларидан бири солиқ тизими ишига алоҳида масъулият билан қараш талаб этилмоқда.

Она ер саховат бу...

ҲИКМАТ

- Энг оғир дард — нодонлик, энг кучли хасталик — пасткашликдир.
- Ҳар қандай яра тузалади, аммо виждон ярасига даво йўқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 1 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:

Бунда 1 АҚШ доллари 278 сўм 93 тийин қилиб белгиланди.

ТУҲМАТ БАЛОСИ ЁМОН ЭКАН

дейди чироқчилик тадбиркор Баҳодир Умбаров

Яқинда муҳарририятга бир йигит кириб келди. Кўринишидан ниҳоятда чарчаганлиги шундоқ ҳам сезилиб турарди. У биз билан ҳол-аҳвол сўрашиб улгурмасиданоқ мақсадга кўчиб қўя қолди.

Халқимизда «Ўт балосидан, сув балосидан ва туҳмат балосидан ўзинг асра», деган пурҳикмат нақл бор. Мен туҳмат балосига учраган бир нотавонман. Ҳақлигимни исботлаш учун не-не ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига бош урмадим. Аммо фойдаси бўлмаяпти. Улар айбимни исботлай олишмаяпти. Шунга яраша ҳукм чиқариш ўрнига «бир нарса чиқариш» мақсадида саросону саргардон қилишаётир.

Мана икки йилдан ошдики, «айбсиз айбдорман». Чунки Қашқадарё вилоят ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари кўриниб турган ишни, яъни менинг айбсизлигимни тан олгилари келмай, «копток уйини» билан машғуллар. Хуллас гап бундай:

Мен Чироқчи туманининг Чияли қишлоғида туғилганман. Абдусалом билан бир мактабда ўқиб катта бўлдик. Яъни қишлоқдош дўстмиз. Иккаламиз ҳам 1985-1987 йилларда армия сафида хизмат қилдик.

Армиядан қайтгач мен тижорат билан шуғуллана бошладим. Президентимиз яратиб берган имконият, қолаверса ўзимнинг елиб-югуришим туфайли ишларим юришди. Бир мунча маблағ тупладим. Қишлоқда обрўли бўлиб қолдим.

Бир куни олдимга қишлоқдош дўстим Абдусалом келиб:

– Оғайни, ўзинг биласан тракторчилик қилаётган эдим. Яқинда тракторни топширдим. Ҳозир ғирт бекорман. Йигит киши ишламаса қайин экан. Анча қийналиб қолдим. Бир ёрдам бериб юборсанг. Сен билан қўшилиб тижорат билан шуғуллансам, – деди.

– Иш бошлаш учун пулинг борми?

– Э, дўстим пулим бўлса, олдингга келармидим! Ҳам оғайнимиз, ҳам қишлоқдош ҳамсоямиз. Бир қўллаб юборасан-да, энди.

Абдусаломнинг тақдирига бефарқ қараб туролмадим. Енимдан пул бериб тижорат ишларига олиб кетдим. Ушанда 1993 йил эди. Биз Москвага бориб мол олиб келардик-да, Тошкентда сотардик. Бироз муддат ўтгач Абдусалом бошқа иш билан шуғуллана бошлади. Мен: «майли омадингни бersин», дедимда ишимни давом эттирдим.

1997 йили Абдусалом яна олдимга келди-да, бирга ҳамкорлик қилишни илтимос қилди. Пули йўқ экан! 150 минг сўм қарз олди. Яна бирга тижорат билан шуғуллана бошладик. Бу пайтга келиб мен яна бир мактабдош дўстим Уроқ Абдурахмонов билан бирга эдим.

Шу десангиз, 1997 йилнинг декабрь ойи охирларида биз уч оғайни – мен, Абдусалом, Уроқ Москвага бордик. У ердан мол харид қилиб, поезд орқали Тошкентга жўнатдик-да, ўзимиз самолётда қайтдик. Қишлоққа келдик. Эртасига эрталаб Абдусалом менинг олдимга келиб биргаликда Қарши бозорига бориб келишни таклиф этди. Чунки менда машина бор эди.

– Турмуш ўртоқларимизни ҳам бирга олволамиз. Улар ҳам бозордан ўзларига зарур нарсаларни харид қилишар, – деди у.

Мен рози бўлдим. Тўрт киши бўлиб Қарши бозорига бордик. Аёллар у бу харид қилгани ичкарига кириб кетишди. Мен Абдусалом билан бозор дарвозаси олдида уларни кутиб турдик. Бир пайт олдимиздан Уроқ ўтиб қолди. Бир пас гаплашдик. Кейин у бизларни уйига, бир пиёла чойга таклиф қилди.

Аёллар чиққач биргалашиб Уроқникига бордик. У ерда тамадди қилиб, кечқурун яна туртталамиз қишлоққа қайтдик. Эртасига эрталаб Уроқ бизникига келди. Биз биргаликда Абдусаломнинг уйига бордик. Кўчадан туриб уни чақирдик. Лекин уйига кирмадик. Чунки келишувга кўра Тошкентга бориб, Москвадан жунатган молларимизни олишимиз лозим эди.

Абдусалом уйидан кийиниб чиққач биргаликда укам Фахриддинни ҳам олиб Тошкентга келдик.

Юборилган юкларни олиб, сотдик. Мен яна мол олиш учу Москвага кетдим. Абдусалом, Уроқ ва укам Фахриддинлар Қашқадарёга қайтишди. Шуниси қизиққи, утган бир неча кун мобайнида Абдусалом менга ҳеч нарса демади. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек юраверади.

Ваҳоланки, Абдусалом биз хотинларимиз билан Қарши бозорига бориб келган кунимизоқ, турмуш ўртоғини уриб, сўкиб сиқувга олади. Эмишки, хотини Уроқникида мен билан кўз уриштириб ўтирибди. Уша куниёқ Абдусаломнинг хотини илгари мен билан бирга бўлганлигини «тан олади».

Хўш, оғайним хотинидан мен унинг номусига текканлигимни билган экан, нега менга ҳеч нарса демади? Бизларни юзлаштирмади? Ҳеч нарса билмагандек юраверди. Аммо хотинини қийнашни давом эттираверди. У биринчи февраль куни укаси Абдусаттор Мелиқуловни хотини Дилоромникига юбориб, ота-онасига мен Дилоромни илгари зурлаганлигимни маълум қиладди. Кейин ўзи хотинини олиб, қайнотасиникига олиб бориб воқеани баён қилади ва:

– Нима бўлганини ўзларинг сураб билинглар, – дейди. Аммо ота-онасининг гапига Дилором ҳеч нарса деб жавоб бермайди. Улар буни судда ҳам айтишган.

Лекин Абдусалом хотинини ҳақоратлашни давом эттираверади. Ҳўрлик ва ҳақоратларга чидай олмаган Дилором 3 февраль куни ўз жонига қасд қилади. Бу хабарни мен 6 февраль да укам Фахриддиндан телефон орқали эшитдим. Укам хабарни етказиши билан бирга мени милиция, прокуратура ходимлари излаб юришганлигини ҳам маълум қилди ва «Дилоромнинг ўлимига сиз сабабчи эмишсиз», деди.

Мен тезда Москвадан Чироқчига келдим ва таъзия изҳор қилиш, ҳамда бор воқеадан хабардор бўлиш мақсадида бир нечта қишлоқ оқсоқоллари билан Абдусаломникига бордим. Лекин у олдимизга чиқмади. Оқсоқоллар уйдагилардан илтимос қилишса ҳам қорасини кўрсатмади. Ноилож таъзия билдириб қайтдик.

Укам Фахриддин Москвага қўрғироқ қилганда сизни прокуратурадагилар излаяпти, дегани учун прокуратурага бордим. Шу куниёқ Чироқчи туман прокурори Тоштемир Саидов мени қамоққа олди.

Энди ўзингиз ўйланг. Мен Дилоромни зўрлаб номусига теккан бўлсам, уни бирор ерида жароҳат изи қоларди-ку! Наҳотки эри буни ўша пайтда сезмаган? Хотини кейинчалик айтганда нега мен билан эркакчасига гаплашмади. Менга рўпара келганда ҳам бўлаётган воқеаларни яширди. Фақат хотини ўлгандан кейингина мени айбдорга чиқарди. Аслида турмуш ўртоғини рашк орқасида ўз жонига қасд қилишга мажбур қилган Абдусаломнинг ўзи айбдор эмасми? Балки Дилоромни унинг ўзи ўлдиргандир!

Чунки Дилоромнинг акаси Нурмамат Мейлиев жабрланувчи сифатида аризаларида синглисининг ўлимида Абдусаломни ҳам айблаяпти-ку! Яъни, у дастлабки терговни олиб борган терговчи жиноят изларини йўқотишга ҳаракат қилган, демоқда.

Хуллас, мен қамоққа олингач, терговчи мени Узбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 103-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топади ва ишни судга оширади. Суд мени 3 йил ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм чиқаради. Лекин вилоят прокурорининг протестига асосан ҳукм бекор қилинди. Сўнгра вилоят суди томонидан иш қайта терговга юборилади.

Чироқчи туман прокуратураси терговчиси мени қайта тергов қилиб, энди Жиноят Кодексининг 118-моддаси 2-ва 3-қисмлари билан айбдор деб топади. Ишни кўриб чиққан Шаҳрисабз туман судьяси Дилбар Муродова асосли далил-исботлар бўлмагани учун қайта терговга юборади.

Аммо суд ажрими вилоят суди томонидан бекор қилинди ва иш Шаҳрисабз шаҳар судига юборилади. Шаҳар судьяси ишни қариб уч ой кўриб, етарли далил-исботлар бўлмагани учун қайта терговга жўнатди. Лекин вилоят суди бу ажримдан ҳам қониқмай ишни Чироқчи туман судига юборади.

Туман судьяси Ҳасан Хаитов мени Жиноят Кодексининг 118-моддаси 2- ва 3-қисмлари юзасидан оқлаб, 103-мойданинг 1-қисми билан айблаб, ахлоқ тузатиш ишига жалб қилади. Хуллас, мен ҳозир «айбсиз айбдор» бўлиб юрибман. Туҳмат билан қилмаган ишимни қилдинг, деб бўйнимга қўйишмоқчи бўлишяпти.

Ҳурматли «Адолат» газетаси ходимлари! Менга ҳақиқатни қарор топишида ёрдам берсангизлар. Чунки, Қашқадарёдаги айрим терговчи ва судьялар нима бўлса ҳам мени айбдор қилишмоқчи. Аммо етарли далил-исбот йўқ. Ўйлайманки, сиз газета ходимлари менинг дардимни Республика Олий Суди ва Прокуратурасидаги қилни қирқ ёрадиган тажрибали, малакали мутахассисларга етказиб қўясиз. Улар ҳақиқатни қарор топишига ёрдамлашсалар ажаб эмас...

Баҳодир УМБАРОВ,
Чироқчи тумани Чияли қишлоғи.

Бугун Ўзбекистон боғларининг файзи ўзгача. Унда етиштирилган турли-туман сарҳил мевалар дилларни яшнатиб, кўнгилларга қувонч бағишламоқда. Юқори Чирчиқ туманининг «Дўстлик» жамоа хўжалигида бўлган киши беихтиёр бу ерда ҳам мўл ҳосил етиштирилганлигининг шоҳиди бўлади. Миришкор боғбон Собир Каримов хўжаликдаги 11 гектар боғни ижарага олиб, аҳоли дастурхонига етти хилдан зиёд олма етказиб бермоқда.

СУРАТДА: ижарачи боғбон Собир Каримов невараси билан.

ҲАРОМ ЛУҚМА ТЕШИБ ЧИҚДИ

«Тошкент почтаси» Бўка тумани филиали бошлиғи Бахтиёр Раҳмонов мўмай даромад топишнинг энг разил усулини танлади. У ўзига бириктирилган ҳудудда одамларга нафақа пулларини тарқатишни пайсалга солиб, ҳатто ведомостга ўзи имзо чекиб юбораверди. Тошкент вилояти прокуратураси ходимлари унинг бу қилмишига чек қўйди. Текшириш чоғида Б. Раҳмонов ўз фаолияти давомида хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, 882 минг сўмдан зиёд нафақа пулларини ноқонуний ўзлаштириб юборгани аниқланди.

Шунингдек, тумандаги «Янги Саганак» алоқа бўлими бошлиғи Эгамқул Араббоев ўтган йилнинг сўнгги уч ойи давомида берилиши лозим бўлган 555 минг сўмдан ортиқ, «Жамбул» алоқа бўлимининг бошлиғи Тиллабек Бурибоев эса 326 минг сўмдан ортиқ нафақаларни ими-жимида гумдон қилиб юборишган экан.

Афсуски, вилоятда аҳолига нафақаларни тарқатишда кўплаб қонунбузарликларга йўл қўйилмоқда. Вилоят прокуратура идоралари ўтган олти ой мобайнида 98 шахсга нисбатан интизомий, 30 шахсга нисбатан маъмурий иш қўзғатгани, мутасадди ташкилотларга 51 та тақдимнома юборгани ана шундан далолат беради.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

● Ватан, эрк учун курашганлар

СПИТАМЕН

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

Милоддан аввалги 329 йилнинг баҳорида қадимги Турон ерларида ва унинг бепоён кенгликларида яшаётган халқларнинг тинчлиги бузилди. Доро III нинг зулмидан азият чеккан, эндигина унинг ўрнига подшо деб эълон қилинган Бессдан яхшиликлар умид қилиб яшаётган халқ ўртасида совуқ бир хабар тарқалди: – Нима эмуш, мамлакатга икки шохли Искандар бостириб келаётган эмиш...

Ҳақиқатдан ҳам Эрон, Шом, Финикия, Миср ва Сурияни 160 та ҳарбий кема, 30 минг пиёда, 5 минг отлиқ армия билан қуролланган Искандар Зулқарнайин (Александр Македонский) босиб олгандан кейин Ҳиндиқуш тоғларидан ошиб, Турон ерларига кириб келди. Унинг икки шохли Искандар дейилишига сабаб, бошини қилич ва пайкондан ҳимоя қилувчи **икки мугузли буқанинг калласига ўхшаш** дубулға кияр эди. Турон ерларининг жанубий дарвозаси бўлган Термиз яқинидаги Амударё кечувидан қопларга қуруқ хашак тўлдириб, қайиқчалар ясаб, беш кун давомида сузиб ўтиб, ўз қўшинларини жойлаштириб, қалъалар, қўприклар қура бошлади. Термиз яқинидаги қишлоқлардан бирида «Искандар қўприги» деган ғиштдан қурилган кўприк ҳозиргача сақланиб қолган. Турон тупроғида мавжуд давлат саркардалари бўлган бақтриялик Оксарт, сўғдлик Спитамен, Форс Датафонлар Искандарнинг нияти бузуқ эканлигини англаб, унинг истилоларини тўхтатиш учун Доро III ни заҳарлаб ўлдирган Бессни унга тутиб беришга аҳд қиладилар. Чунки улар Искандарни Эронга юришидан мақсади Доро III ни заҳарлаб ўлдирган хоин Бессдан ўч олишини эълон қилганидан хабардор эдилар. Бу ишни чуқур ўйлаб кўрган Спитамен Бесс ишига аралашмайди. Ватанига бостириб келаётган катта хавфли Искандарга тиз чўкиб яшашни ўзига ор деб билади.

Шохли Искандар Ўрта Осиё ерларини истило қилишга киришади. Унинг қўшинларига биринчи бўлиб орияналиклар катта талафот етказади. Гергания, Парфия, Арахозия, Бақтрия ва сўғдиёналиклар ҳам Искандарга қарши бош кўтарадилар. Бу ўлкаларда босқинчиларга қарши умумхалқ уруши эълон қилинади.

Айниқса, Бақтрия ва сўғдиёналиклар Искандар қўшинларига катта зарба берадилар. Эрк ва Озодлик учун курашга отланган маҳаллий халқлар Искандар қўшинларини мисли кўрилмаган қийинчиликларга дучор қиладилар.

Ўша замондаги Юнон тарихчиси ва адиби Курций бундай деб ёзади: «Лашкарлар Сўғдиёна даштларида аввал ҳеч кўрмаган азобларни, очликдан, сувсизликдан чарчаш натижасида умидсизликни бошидан кечирдилар. Очликдан ҳатто юк ҳайвонларининг гўштини хомича ейишга мажбур бўлдилар...».

Бақтрия ва Сўғдиёна халқларининг бирлашган қўшинларига сўғд ўғлони довюрак саркарда Спитамен раҳбарлик қилиб, босқинчи Искандар Зулқарнайин қўшинларининг нафас олишига имкон бермай жанг қилар эди. Македонияда машҳур бўлган юнон-македон қўшинлари Самарқандни истило қилиш учун икки йил вақт сарф қиладилар. Ниҳоят бу шаҳарни македониялилар сулҳ йўли билан эгалладилар. Самарқандни қўлга олган Искандар шаҳарга саркардаларидан бири Макадемани қўшин билан қолдириб, ўзи Сирдарё бўйидаги Танаис томон йўлга чиқади. Самарқанд ва Хўжанд оралиғида тоғли ерлар ва Жиззах даштларида тоғликларнинг 30 минг кишилик лашкарларига дуч келади. Қирғинбарот бу жангда икки томондан 22 минг киши қурбон бўлади. Маҳаллий халқлардан катта қурбонлар бўлганини эшитган Спитамен Самарқанд томон бориб, Искандар қолдирган Макадема бошчилигидаги 3000 (уч минг) пиёда, 800 (саккиз юз) отлиқ қўшинларини қириб ташлайди.

Милоддан аввалги 328 йилда Мароканд (Самарқанд)да жасоратли сўғд ўғлони Спитамен бошчилигидаги босқинчиларга қарши қўзғалонни Сирдарё бўйларида Искандар шафқатсизлик билан бостиради. Қўзғолончиларнинг бир қисми тоғли ўлкаларга яширинади. Искандар учун Самарқанд қўзғолонидан кейин Спитамен энг хавфли кучга айланади. Искандар катта қўшин билан Спитаменни қўлга олиш учун уни тақиб қила бошлайди.

Искандар қўшинлари Зарафшон дарёсидан кечиб ўтишда сочилиб, тартибсизлик билан ўтар эди. Пистирмага қўйилган Спитамен қўшинлари зудлик билан қўққисдан ҳужум қилиб, уларни ўраб олиб, дарёга суриб, сувга чўктирадилар. Сувдан сузиб чиққанлари дарё ўртасидаги оролчага тўпланадилар.

Спитамен қўшинлари пайконлардан ўққа тутиб, уларни қириб ташлайдилар. Зарафшон бўйидаги жанг ҳам македонияликларга катта талофот етказади. Спитамен қўшинлари гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда пайдо бўлиб, македонияликларга тинчлик бермас эди. У янгидан ҳужум бошлашга тайёргарлик кўрар, душманнинг заиф жойларини излар ва айнан ўша жойлардан зарба берар эди.

Милоддан аввалги 328 йилнинг қаҳратон қишида Бақтриянинг Навоқат яқинида Искандар қишловни ўтказар эди. Имкониятдан фойдаланган Спитамен 600 отлиқ суворийлар билан қўққисдан – кутилмаган жойдан унинг қароргоҳига орқа томондан ҳужум қилиб, юнон-македониялиларга қақшатғич зарба беради.

Спитамендан ғазабланган Искандар маҳаллий халқлардан ўч олишга киришди. Унинг буйруғи билан кўплаб қишлоқ, шаҳарлар ёқиб юборилади. Катта ёшдаги эркаклар қиличдан ўтказилиб, кўплаб аёллар ва болалар қул қилиб сотилиши учун Македонияга ҳайдаб кетилди. Лекин озодлик учун курашаётган Сўғдиёна, Бақтрия, Сак ва масагетлар ўлкасидаги халқларнинг қўзғолони оммавий тус олиб кетди. Юнон тарихчиси Диодорнинг берган маълумоти гувоҳлик беришича, қўзғолонда иштирок этган 30 сўғдий ёшлар Искандар буйруғи билан ўлимга маҳкум этилганда, улар ўлимга тик туриб қўшиқ айтиб борганлар. Уларнинг жасоратига тан берган Искандар махбусларни озод этган экан. Искандар Спитамен бошчилигида бош кўтарган қасоскор халққа қарши жанг олиб бораверишқийин эканлигини тушуниб етди. У Спитаменга катта-катта ваъдалар берди. Ҳаттоки, Сўғдиёна ҳукмдорлигини инъом этмоқчи бўлди. Спитамен алдовларга кўнмади, ватанфурушликдан кўра ўлимни афзал кўрди.

Буюк саркарда сўғд ўғлони, жасур ва мард Спитаменнинг фожиали ўлимига қўрқоқ хоин ва сотқинлар сабабчи бўлди. Шундай хоинлардан бири унинг хотини эди. Спитамен узоқ жангу жадаллардан чарчаб, уйига қайтган пайтда овқатланиб, шароб ичиб, уйқуга кетади. Қаттиқ ухлаган Спитаменни хотини у ётган хонага пинҳона кириб, Искандарнинг қиличи билан бошини кесиб ташлайди. Қонга беланган эрининг бошини катта мукофотлар олиш мақсадида шоҳ Искандарга юборади. Бу мудҳиш воқеадан хабардор бўлган Искандар ғазабланади. Ўз халқининг, Ватанини жонидан севган бу жасур саркарда билан юзма-юз учрашиш ниятида бўлган Искандар бу хоин, жаллод, хотинни қилмишидан норози бўлиб, уни мамлакатдан чиқариб юборишга буйруқ беради. Баъзи бир ривоятларга қараганда, хоин аёл Италия ороллари ининг бирида Спитаменнинг рухи тинч қўймай, хор-зор бўлиб, муҳтожликдан вафот этади.

Лекин қадимги тарихимизда озодлик ва истиқлол учун курашган Спитаменнинг номи сўнмас юлдуз бўлиб порлаб қолаверади.

Муҳаммаджон ЎРМОНОВ,
Темурийлар тарихи давлат музейининг катта илмий ходими, тарихчи олим.

● Назм

МАРДЛАР ЮРТИ

Юртни севиб яшамоқлик марднинг иши,
Элни олға бошламоқлик марднинг иши,
Куйиб, ёниб яшамоқлик марднинг иши,
Мард ўғлонлар юртидир ҳур Ўзбекистон!

Гар ёв келса, мард йигитлар бўлур қалқон,
Ҳамла қилса тоғ тиз чўкиб, бўлур толқон.
Ёв зарба еб, бурнидан қон бўлур вулқон,
Паҳлавонлар юртидир ҳур Ўзбекистон!

Мард сўз берса, сўздан асло қайтмагайдир,
Маъқул бўлмас сўзни асло айтмагайдир,
То тирикки, элу юртни сотмагайдир,
Қаҳрамонлар юртидир ҳур Ўзбекистон!

Сафар кетса, омон бўлгин элим дейди,
Ватан, сенга доғ туширсам ўлим дейди,
Сиринг очсам, шарт кесилсин тилим дейди,
Паҳлавонлар юртидир ҳур Ўзбекистон!

Кўкрак кериб яшамоқлик мардларга хос,
Истиқлолни асрамоқлик мардларга хос,
Мамажон ҳам содиқ фарзанд, сўзлари рост,
Қаҳрамонлар юртидир ҳур Ўзбекистон!

Мамажон ҲОЛИҚОВ.

● 6 август — Темирйўлчилар куни

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-ҳиссадорлик компанияси йўл хўжалиги хизмати тармоғининг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Соҳа мутахассисларининг қизғин суҳбат ва учрашувлари ишдаги муаммоларни ечимини ҳал этишга яшил йўл очмоқда.

СУРАТДА: Темир йўл компаниясининг йўл хўжалиги хизмати бошлиғининг ўринбосари Ҳикмат Одилов (ўртада), Қўқон йўл масофаси бошлиғи Фахрий темирйўлчи нишондори Адҳамжон Акбаров (чапда) ва 164-йўл машиналари корхонаси бошлиғи Кодиржон Кудратов келгуси режалар ҳақида суҳбатлашаётган пайт.

Адҳам ДАМИНОВ олган сурат.

● Лўқма

«ТОМАТ» ОПЕРАЦИЯСИ»ГА КЕЛГАН БИР ЭНЛИК АНТИҚА ЖАВОБ ХУСУСИДА

Газетамизнинг шу йил 7 июль сонида ««Томат» операцияси» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилиб, унда Сурхондарё вилоят «Матлуботсавдо» худудий акциядорлик компанияси ва унинг тармоқларидаги камчилик ва нуқсонлар очиб ташланганди. Мақолага қуйидаги «фард» жавоб келди:

«Адолат» газетасида чоп этилган «Томат» операцияси мақоласи Сурхондарё вилоят «Матлуботсавдо» худудий акциядорлик компаниясининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди ва мақолада кўрсатилган камчиликларга бундан буён йўл қўймаслик, камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирлари белгиланди.

Компания бошқаруви раиси Р.Х. МАРДОНОВ».

ТАҲРИРИЯТДАН: Жавобни олдигу, ҳайратда қолдик. Дудмал ва қониқарсиз, ниҳоятда қисқа жавоб.

Биринчидан, мақолада Сурхондарё вилоят «Матлуботсавдо» худудий акциядорлик компаниясидаги суистеъмолликлар, хусусан, раис жанобларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари танқид қилинган эди.

Унда компания тизимида рўй берган ўғирликлар, кўзбўямачиликларга Расул Мардонов ҳам айбдор эканлиги аниқ мисолларда кўрсатиб ўтилган. Хусусан, мақоладаги:

«Бизнингча, Сурхондарё вилоят «Матлуботсавдо» жамиятининг раиси Р. Мардоновнинг кадрлар танлашдаги қўпол хато ва камчиликларини юқоридаги нопок икки «нафси ўпқон» раҳбарларнинг ишларидан билиб олса ҳам бўлади», деган жумлаларни жавобга имзо чекаётган раис жанобларни наҳотки ўқимаган бўлсалар?!.

Иккинчидан, одатда газетада босилган танқидий мақолага, юқори органлар корхона ва ташкилотда йўл қўйилган нуқсонларга, айбдор шахслар фаолиятига баҳо бериб, жавоб йўллайдилар...

Кўриниб турибдики, Сурхондарёда бу нарса унутиб қўйилган чамаси. Бўлмаса, танқидий мақолага айбдорнинг ўзи бунчалик юзаки жавоб йўлламасди.

Халқимизда «Айбини тан олиш, мардлик», деган нақл бор. Начора, Расул Мардонов ўз кирдикорларини тан олмас экан, унинг фаолиятига Сурхондарё вилоят ҳокимлигидаги мутасаддилар ва ҳуқуқ-тартибот органлари холис баҳо берадилар, деган умиддамиз.

Истиқлол саодати

ДУНЁНИ МАФТУН ЭТМОҚДА

Янги аср бўсағасида ўзбек курашининг парвози юксалгандан юксалаётир. Беш қитъа мамлакатларининг океан орти ҳудудларида жойлашгани, халқларнинг тиллари бир-бирига мутлақо нотаниш-лиги-да, чегара билмас курашимизнинг диллар муштараклигини кашф этишида тўсиқ бўлмаяпти. Мустақиллик туфайли дунёга бўй кўрсатаётган Ўзбекистонни, халқимиз қадриятларини кўз-кўз қилиниши, ўзбек сўзларини юзга яқин миллатлар тилида жўр овозда баралла янграши ардоқли курашимизнинг мевасидир. Демакки, ўзбегим Алпомишларининг сафи минглаб дунё полвонлари билан бойимоқда. Бу нарса сайёрамиз дастлабки чемпионатидаги каби иккинчи жаҳон чемпионатида ҳам ўз исботини топди. «Туркистон-пресс» мухбири ушбу ютуқлар ҳақида Халқаро кураш Ассоциацияси Халқаро алоқалар ва спорт департаменти директори Боймурод Юсупов билан мулоқотда бўлди.

— Ҳар бир миллий спорт бўйича дунё спортчилари иштирокида чемпионат ташкил қилишга, айниқса, бошқа мамлакат ўз ҳудудида ўша чемпионатни ўтказишга даъвогарлик қилиб чиққунча ўнлаб йиллар ўтади. Мазкур имконият учун ўзбек курашига атиги бир йилдан ортиқроқ фурсат кифоя қилди. Қисқа вақтда эришилган ушбу муваффақият Сизда қандай таассурот қолдиряпти?

— Дарҳақиқат, асрлар давомида аждодларимиз томонидан ардоқланиб, тўю сайилларда кучлиларни саралаш вазифасини ўтаган курашимиз бўйича бундан 10 йил бурун жаҳон чемпионати ўтказилишини тасаввур ҳам қилиш мушкул эди. Мана икки йилдирки, тасаввур эмас, ўз кўзларимиз билан кўриш бахтига муяссар бўлдик. Бу, албатта, Истиқлол туҳфаси. Қарийб бир йилдан кўпроқ вақтда ўзбек кураши дунё спортлари ичида ривожланиши бўйича рекорд натижа ўрнатда олди десам, муболаға бўлмайди. Тарихга назар солсак, Олимпиада ойласига кирган ёки киришга интилаётган спорт турлари бундай натижага эришгунга қадар бир неча ун йиллаб вақт сарфлагани бизга аён. Қандай қилиб дунё спорт оламида эндигина тетапоя бўлаётган ўзбек кураши бу муваффақиятга эришди, деган савол туғилиши табиий.

Бунга авваламбор, муҳтарам Президентимизнинг бевосита қўллаб-қувватлашлари бош омил бўлса, ўзбек курашида асрлар давомида миллатимизга хос бўлган бағрикенглик, ҳалоллик ҳамда рақибига нисбатан олийжаноблик фалсафаси мужассамлашгани, мазкур спорт тури билан шуғулланаётган барча ихлосмандлар тан олганидек, кураш усулларининг инсон саломатлигига зарарсиз экани жаҳонни мафтун қилмоқда.

Чунончи, 1999 йил 1-3 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган илк жаҳон чемпионатининг гувоҳи бўлган, спорт оламида йирик мутахассис Иброҳим Остек жанублари Ўзбек кураши курашларнинг отаси эканлигини баралла эътироф қилгани ҳам бежиз эмас. Албатта, кураш жаҳон саҳнасида ёш бўлса-да, кўҳна манбалар унинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалишини, яъни у халқимизнинг азалий қадрияти эканлиги ўзи ҳам ушбу спорт турининг илдизи бақувватлигидан далолатдир.

Фикрим исботи сифатида, ўтказилаётган халқаро турнирлар, жаҳон биринчиликлари ва чемпионатларида иштирок этаётган мамлакатлар ҳамда полвонларнинг сони ўсиб бораётганлиги айтиб ўтсам айни муддао бўларди. Мустақиллигимизнинг 9 йиллик тўйи арафасида Евроосиёнинг гўзал сайёҳлик маркази Анталияда II-жаҳон чемпионатининг байроғи кўтарилиши ва унда 50 га яқин мамлакатдан 100 дан ортиқ полвонлар бел олишиши жаҳон майдонида ёш Ватанимиз ва курашимизнинг улкан ғалабасидир.

— Курашимиз ривожида хорижлик полвонлар ва ҳакамларнинг хатти-ҳаракати, яъни, ўзбек кураши қонун-қоида ва усулларини мукаммал ўзлаштирганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада чемпионат давомида қандай ижобий ўзгаришларни илғадингиз?

— Ўтказилган мусобақалар у халқаро турнирми, жаҳон чемпионатими унда қатнашётган хорижлик спортчи ва ҳакамларнинг ҳаракатларини диққат билан кузатиш орқали орттирган хулосам шуки, улар маҳорат бобида шаклланиб, тажрибалари такомиллашмоқда. Хорижликлар маҳаллий полвон ва мутахассисларимиздан сира ортда қолишмаяпти. Анталия майдонидаги чемпионатда ҳам янгидан-янги совриндорлар кашф этилгани шундан дарак бераётир. Бу борада Халқаро Кураш Ассоциацияси қошидаги Халқаро кураш Академияси томонидан олиб борилаётган ишлар ижобий натижа бераётгани таҳсинга сазовор. Албатта ҳаммаси кўнгилдагидек деб айтишга ҳали эрта. Мутахассисларимиз зиммасидаги амалий-назарий ишларни амалга ошириш учун талайгина тер тўкишлари керак.

— Чемпионатдан кейин спорт олами намояндалари томонидан ўзбек курашининг нуфузи ва Олимпиада сари ҳаракатига қандай баҳо берилмоқда?

— Иккинчи жаҳон чемпионати давом этаётган бир пайтда Африка, Америка, Осиё ва Европа Кураш Конференцияларининг Конгресслари ўтказилди. Осиё Кураш Конфедерациясига ҳиндистонлик йирик спорт ва сиёсат арбоби Жагдиш Татлер жанублари, Африка Конфедерациясига Жанубий Африка Кураш федерациясининг раҳбари Андре Френч жанублари президентлик лавозимига сайландилар. Қизғин баҳсларни кўриб илҳомланган халқаро мутахассислар томонидан қимматли фикрлар ҳам айтилди. Жумладан, Пан Америка Кураш Конфедерацияси президенти Эдгар Клауре «Чемпионат жуда ҳам муваффақиятли ўтгани ва дунё бўйлаб ўзбек курашининг ривожида муҳим қадам бўлганлигини», Африка Конфедерацияси президенти Андре Френч «Ўзбек кураши ривожи шу маромда давом этса, жаҳон спорти оламида эришиш даражаси чексизлигини», ёки бўлмаса, Буюк Британия Кураш Ассоциацияси бош котиби Пол Сойер томонидан «Курашни Қиролликдаги севимли спорт турлари орасидан мустаҳкам ўрин олишига бор имкониятларни ишга солинаётгани», шунингдек, Япония Кураш федерацияси бош котиби Хидео Камага «Тез фурсатда ўзбек кураши дзюдо каби Олимпиада ойласидан жой эгаллашини таъкидлаб, японялик болалар ўртасидаги мамлакат биринчилигида 1200 га яқин ёшлар беллашиши, уларга афсонавий курашчи сифатида малкаларини ошириш учун қулай фурсат яратилаётганини» қувонч билан хабар қилдилар.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбек кураши Олимпиада ва жаҳон спорти оламида XXI асрнинг ёркин юлдузи бўлиб миллионларни мафтун қилишга ҳозирламоқда. Тез фурсатда Ватанимиз байроғи акс этган спорт кийимларидаги полвонларни дунёнинг хоҳлаган бурчагида учратишимиз, уларнинг Олимпия баҳсларидаги жозибадор курашларидан кўзимиз қамашса ажабмас.

ЁШЛИКНИ ҲУНАР БИЛАН БЕЗА

Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Асадулла Ҳўжаев номидаги республика тасвирий санъат билим юртида Камолиддин Беҳзод тавалудининг 545 йиллигига бағишлаб очилган кўргазмага келган ота-оналар фарзандлари ижодини кўриб ҳайратланди.

— Бу бежиз эмас, бугунги кунда билим юртида ҳунар ўрганаётган 300 нафардан зиёд йигит-қизларимизнинг ишларини муҳжизага қиёслаш мумкин, — деди билим юрти директори Шоносир Муродов. — Ҳақиқатан ҳам бизнинг даргоҳга амалий санъатга болаликдан қизиққан ёшлар келишади.

Ш. Муродовнинг айтишича, билим юртининг тамал тоши 1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан сўнг шаҳарни тиклаш, малакали қурувчи-мутахассислар тайёрлаш мақсадида қўйилган эди. Шу йиллар мобайнида бу даргоҳдан ҳаётга йўлланма олган 17 минг 600 нафар ёшлар кам бўлишмади. Уларнинг аксарияти бугун пойтахт қурилиши ташкилотларида ўз ҳунарларини намойиш этишяпти. Улар орасида ҳатто қурилиш соҳасининг катта-катта билимдонлари етишиб чиқди.

Директорнинг қайд этишича, ҳунар билим юрти 1985 йилдан бошлаб миллий ҳунармандчилик лицейига айлантирилиб, бу ерда юксак малакали ҳунармандлар тайёрлашга киришилди.

Мустақиллик, бозор иқтисодиёти муносабатлари ушбу уқув даргоҳи фаолиятида тубдан янги даврни очди. Ҳунар маскани 1997 йилда Ўзбекистон Бадиий Академияси тасарруфига ўтгач, билим юртини таъмирлаш, замонавий асбоб-ускуналар, компьютерлар сотиб олиш учун Академия томонидан катта маблағ ажратилди. Қолаверса, талабалар ҳам қараб ўтиришмасдан, ўз билим юртларининг иқтисодий асосларини мустаҳкамламоқда.

Бозор талаблари асосида иш юритиш билим юртида ижобий самара бераётир. Биргина металлга ишлов бериш бўйича корхона ва ташкилотлардан олинган 38 миллион сўмлик буюртма бажарилиб, 9 миллион сўм фойда олинди.

Олинган фойда ҳисобидан мебел ва металл цехларини ишга туширдик. Ишга янгича муносабат, яъни ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга интилиш биринчи навбатда ишга ижодий ёндашувни, жамоамизда ёш кадрларни кўпайишига имкон бераяпти, таъкидлади Шоносир Муродов. — Шу билан биргаликда ўзимиз ишлаб топган маблагга мавжуд биноларимизни таъмирдан чиқардик, Мунтазам маҳсулот ишлаб чиқараётган чинни, керамика, бичиш-тикиш цехларига янги технологияларни киритдик.

Билимни эгаллагач уни амалиётда қуллай билиш ҳам бадиий ҳунар эгаси бўлиш орзусидаги йигит-қизлар учун тўғри ва ойдин йўллардан биридир. Билим юрти раҳбарининг эътироф этишича, бу даргоҳда асосий эътибор рассом-ганчкор, попончи-тикувчи, бадиий ёғоч ўймакорлиги, рассом-заргар каби ундан зиёд мутахассислик бўйича таълим олаётган ёшларга ҳар томонлама билим бериш, орзу-интилишларининг рўёбга чиқишига кумаклашиш ва ниҳоят, остона ҳатлаб турган янги асрнинг қўли гул усталари қилибтарбиялашга қаратилгандир.

Зеро, ёшликни ҳунар билан безаган одам ҳаётда ўз муносиб ўрнини тез ва осон топади.

БАЛИҚ МЎЛ БЎЛАДИ

Навоий вилояти «Балиқчилик» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳозиргача 500 тоннадан зиёд балиқ овлаб, мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллигини муносиб кутиб олишмоқда. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 150 тонна кўпдир. Айдаркўл, Тўдакўл, Шўркўл сув хавзаларидан овланган зоғора, лаққа, сазан каби балиқлар истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Балиқчилар йил охиригача яна 900 тонна балиқ овлашни ният қилишган.

ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда эл осойишталигини таъминлаш, юрт тинчлигини сақлашдан ҳам муҳим вазифа йўқ. Навоий вилояти Ички ишлар бошқармасининг Давлат автомобиль назорати бошқармасида ташкил этилган Алоҳида рота йўл-патруль хизмати ходимлари ана шундай муқаддас ишга бош қўшмоқдалар. Улар томонидан йўлларда содир этиладиган ҳар хил кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш, йўл назоратини таъминлаш билан биргаликда мамлакатимизга ноқонуний тарзда кириб келаётган маҳсулотларни йўлига кескин гов қўйишга ҳам эришмоқдалар. Ўтган олти ой давомида ана шундай қонунбузарликка йўл қўйган, ўз нафсига эрк бериб текин даромад орттиришга уринган 26 фуқаро қўлга олинди. Уларнинг ҳар бирига нисбатан Кармана шаҳар прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186-моддаси 1-қисми билан жиноий иш қўзғади. Улар томонидан яширин йўллар билан мамлакатимизга олиб келинаётган 7 миллион сўмликдан зиёд акциз маркасисиз сигаретлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

— Йўл ҳар хил воқеа-ҳодисаларга бой, — дейди йўл патруль хизматининг катта нозири, милиция капитани Акмал Жумаев. — Ундан кимлардир яхши ниятда фойдаланса-лар, бошқалари мавжуд қонунларни писанд қилмай унга панд бериб юрмоқчи бўладилар. Аммо кўза кунда эмас кунида синганидек, бир кунмас бир кун уларнинг аччиқ пушаймон чекишлари шубҳасиз.

Дарҳақиқат бу бор гап. Ўз ишларига сидқидилдан кўнгил қўйиб хизмат вазифаларини муваффақиятли адо этаётган бундай элпарвар соҳа ходимлари бор эканки, юртимиз йўллари доимо тинч ва равон бўлади.

Ш. ЭГАМОВ,
Навоий вилояти ИИВ ДАНБ йўл-патруль хизмати сардорининг ўринбосари, милиция капитани.

СУРАТДА: йўл-патруль хизматининг катта нозири, милиция капитани Акмал Жумаев, нозирлар, милиция сержантлари, Амин Ражабов ва Зариф Олимовлар яна бир қонунбузарни қўлга олишган пайт.

● *Газетхон илҳоми*

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИМАН

Буюк Ўзбекистон фарзандиман деб,
Яшил дафтарчани қўлга олурман.
Улуғ халқим учун энг муқаддас зеб,
Ўпиб шаҳодатин, ўйга толурман.

Боболар орзуси унда мужассам,
Кўп йиллик истаклар бўлар намоён.
Ўзлигин топган халқ энди бўлмас кам,
Туғи бор, Мадҳиядан яйраб кетар жон.

Яшил муқовадан олтин чашмадек
Нур сочиб балқийди иқбол тамғаси.
Жўшмоқда қувончим Сиру Амурдек,
Толеим баланддир, йўқдир ғам-ғуссам

Ўзбекни билгандан билмас кўп эди,
Жаҳонга қайтадан танилдинг, халқим.
Ватаним, елкангга бахт қуши қўнди.
Бошим осмондадир, кўксимда ёлқин.

Болибой ЖУМРАТОВ.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасидан).

ИСТИҚЛОЛ – РАССОМЛАР ВАСФИДА

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ва Ўзбекистон Бадиий академияси биргаликда Ўзбекистон Мустақиллигининг 9 йиллигига бағишлаб сўнгги йилларда яратилган энг сара тасвирий санъат асарларининг кўчма кўргазмасини ташкил этишга киришди. Кўчма кўргазма мамлакатимизнинг барча вилоятларида ва Тошкент шаҳрида намойиш этилади.

Яқинда Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридаги В. Уфимцев номли расмлар галлереясида ушбу кўчма кўргазманинг биринчи очилиши маросими бўлди. Унда атоқли рассомлар, санъатшунослар, маънавият ва маърифат ходимлари, Республика, вилоят, туман ва шаҳар жамоатчилигининг вакиллари ҳамда тасвирий санъат мухлислари фаол қатнашдилар.

Кўчма кўргазма томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Феруза САЙДАМАТОВА,
Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ходими.

АЖДОДЛАР РУҲИ БЎЛСА ШОД, ВАТАН БЎЛҒУСИДИР ОБОД

Бу нуроний Она, ўтмиш тарихимизда, эл-юрт учун жонини аямаган ватан фидойилари, тарихимизда ўчмас из қолдирган, боши бир халта олтинга алмаштирилган Спитаменнинг жасади, тандирда ёндирилган Муқаннанинг, ватаним деб жон берган Маҳмуд Таробийнинг онасидир.

Ҳа, бу Она ўша Сирдарё бўйларида халқини ҳимоя қилиб, Жўжи қўшинларига қақшатғич зарба бериб, қаҳрамонлик кўрсатган Темур Маликнинг ва Синг дарёси бўйида мўғуллар лашкарбошиси Чингизхон билан шердек олишган Жалолиддин Мангубердининг, Турон деб аталмиш юртнинг мўғул босқинчиларининг бир юз эллик йиллик зулмидан озод этиб, Мовароуннаҳрдек бир бутун қудратли давлат тузиб, Самарқандни ер юзининг сайқалига айлантирган соҳибқирон Амир Темурнинг онаси. Қолаверса, ўша қатағон йилларда «кафансиз кўмилганлар»нинг, иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистондан урушга жўнаб кетган бир ярим миллионга яқин ўзбек жангчиларидан шаҳид бўлганларнинг онаси, хуллас сизнинг ва менинг, бутун Ўзбекистоннинг онаси.

Ҳа, мана шу Она тимсолида Ватанни ҳис этамиз. Гўё мозийдан нидо келгандай бўлиб, у менга ўғлим деб аста шивирлаб, бу кунларнинг қадрига ет, эл-юрт осойишталиги катта бойликдир деяётгандай.

Ўғлим! Истиқлол ўзингники, Ватан ўзингники, унинг кенг пахтазорлари, денгиздай чайқалган буғдойзорлари, тароватли боғлари, ер ости ноёб маъданлари, хуллас ҳамма-ҳаммаси ўзингники, уни кўз қорачиғидай асра, ҳар доим ҳушёр бўл, уни ёвуз кучлардан сақла, деб бизларни ҳушёрликка даъват этаётгандай...

Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган Хотира майдонидаги руҳатлар орасидан 50-60-йиллардан бери жигарпораларини ахтариб юрган одамларни, ўз яқин кишиларини шу жойдан топганларни кўзида қатор ёш қалқиганини кўрдим. Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан келиб, иккинчи жаҳон уруши йилларида Украина, Белорусия ва Россиянинг қишлоқ ва шаҳарларини озод қилишда қурбон бўлганлар, Афғон тупроғида бедарак йўқолганларни, ҳуллас шаҳид бўлганларни руҳатлар орасидан топиб, уларга қурён тиловат қилиб, Президентимизга миннатдорчилик дил изҳори билдирганларнинг гувоҳи бўлдим.

Тошкент шаҳрининг энг сўлим гўшаларидан бири Юнусобод туманининг Кўксув соҳилида юртбошимиз раҳнамолигида ҳашар йўли билан қад кўтарган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси мустақиллик хиёбонидаги «Хотира ва Қадрлаш» майдонининг мазмунан давоми дейиш мумкин.

Бунёд этилган бу «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси муқаддас қадамжога айланди. Шаҳидларни ва аждодларни хотирлаш, тирикларни қадрлаш ва эъзозлаш ўзбекона одатдир, миллий қадриятдир. Бу миллий урф-одатлар анъаналар улуғ бобомиз соҳибқирон Амир Темурдан қолган меросдир. Соҳибқирон Амир Темур сафардан қайтганда шаҳид кетганларни эслаб, тиловати қурён ўқитиб, қабрларни обод қилдирар экан. Ҳаттоки, сафарга чиқсалар ёки бирор хотирли иш бошласалар пири устози Сайид Баракадан фотиҳа олар эканлар.

Шаҳидларни хотирлаш ва қарияларни, улуғ инсонларни қадрлаш миллий маънавиятимиз бўлиб, миллий мафкуранинг бир қисмидир. Бахтимиз учун, истиқлол учун курашганларнинг номи мангу, хотирадан ўчмас нигоҳлардир.

Ў. МУҲАММАДЖОНОВ.

● *Нордон луқмалар*

ЖАСОРАТ

Бир корхонанинг бош ҳисобчиси савлат тўкиб касса ёнидан ўтиб борар экан, кўзи туйнук олдидаги ўн-ўнбеш чоғли одамга тушди. Улар бош ҳисобчига эътибор ҳам беришмади. Бу унинг ҳамиятига тегиб кетди. Узининг кимлигини уларга билдириб қўймоқчи бўлди.

— Хўш, иш пайтида нега турибсанлар бу ерда?

Шаддод бир аёл тез жавоб қайтарди:

— Туйнукни тамоша қилаяпмиз.

Бош ҳисобчининг баттар энсаси қотиб кетди.

— Сенларга пул берилмайди, овора бўласанлар, — деди овозини бир поғона кўтариб.

— Нега энди берилмас экан, — деб юборишди ҳаммаси бирдан. — Ахир икки ойдан буён бир тийин ҳам бермадингиз-ку. Инсоф борми сизларда?..

Уларнинг авзойини кўриб бош ҳисобчининг нафаси ичига тушиб кетди. Тезроқ хонасига етиб олишга ошиқди. Қўш қаватли, икки табақали эшикни зичлаб ёпди. Эшиклар маҳкам ёпилганига ишонч ҳосил қилгач, момиқ, айланма ўриндиғига бориб оғир-оғир чўкди-да, деди:

— Мен сенларга ҳали кўрсатиб қўяман. Ҳаммангни...

Гўё сўзларини биров эшитиб қолгандек нафаси ичига тушиб кетди.

Атрофга синчиклаб разм солди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, «хайрият» деб қўйди, ўзига-ўзи.

ОҒАЙНИЛАР БАҲСИ

Катта кўчани ўзларининг қилиб олган йигирма ёшлардаги икки йигит ўзлари хон, қўланкалари майдон бўлиб боришарди. Гўё улардан бошқа ҳеч ким бу йўлдан юрмайдигандек: гоҳ бир бирини туртишар, гоҳ тиззаларига уришиб ёш боладек қийқиришарди. Гоҳ таққа тўхташиб жиддий қиёфага кирганча нималарнидир муҳокама қилишарди.

Муюлишга борганда улар тўсатдан уч қаватли уйга рўпара келиб қолишди. Уймисан-уй эди-да, ўзиям. Унинг сербезак дераза-ромларию, қўш табақали ёқут нусха тошчалар қадаб чиқилган дарбозаси, деворларига терилган нақшинкор ғиштларию кўзни қамаштирувчи пештоқиси ҳар қандай чечанни гунг қилиб қўярди. Икки оғайни бир зум бақадек бақрайиб қолишди. Бироздан кейин биттаси хиёл дудуқланиб:

— Росаям боплабдими? — Ҳамон бинодан кўз узолмасди у. — Қоплаб пул кетган бўлса керак?..

— Бу пулларни ўзи ишлаб топганмикин, ё одамларни шилиб...

— Жиннимисан? — деди биринчиси иккинчисининг сўзини шартта бўлиб, — одамларда шунча пул нима қилади?

Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ.

ҲОКИМ ТАШАББУСИ БИЛАН

Сариосиё тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Қосимжон Холдоровнинг бевосита ташаббуси билан бу йил ёзда энг сўлим «Лобар» болалар оромгоҳлари фақат тумандаги кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандлари ихтиёрига бериб қўйилди. Бугунги кунда оромгоҳ қўйнида 300 нафарга яқин болалар бепул ҳордиқ чиқаришмоқда.

Дашнобод дарёси бўйлаб 15 гектар майдонни эгаллайдиган табиатнинг бу хушманзара гўшасида болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Бундан ташқари, оромгоҳга малакали тиббиёт мутахассислари жалб этилган бўлиб, болалар вақти-вақти билан кўрикдан ўтказилиб турилмоқда. Болажонлар «Соғлом авлод йили»да ёзги таътилни мароқли ўтказиш билан бирга саломатликларини ҳам тиклаб ота-оналари бағрига қайтишади.

ТАДБИРКОРЛАР САХОВАТИ

Янги ўқув йили арафасида Улуғнор тумани чўлқуварлари фарзандларини дарсликлар ва ўқув қуроллари билан тўла таъминлаш масаласи маҳаллий ҳокимият ва жамоатчилик диққат марказидан ўрин олган.

Баъзи етишмовчиликларни тезроқ бартараф этиш ҳамда кам таъминланган оила болаларини бепул китоблар, зарур ўқув қуроллари билан таъминлаш учун тумандаги қатор хўжаликларнинг хусусий тадбиркорлари ташаббус билан чиқдилар. Еттинчи синфгача бўлган ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш учун улар 4,5 миллион сўм маблағ ажратдилар.

Тумандаги «Интеграл-Леон», «Оқ олтин» савдо ишлаб чиқариш фирмалари, «Мингбулоқ», Мирзажон Иминов номли ширкат хўжаликларининг бу савобли ишлари меҳнат аҳли томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Туман «Маънавият ва маърифат» маркази бўлими фақат кам таъминланган оила ўқувчилари учун 20 минг сўмлик дарслик харид қилиб бепул тарқатишни йўлга қўйди.

Тошкент шаҳар Қизил Ярим ой жамиятига қарашли 20 катталар билим юрти талабаси Мадазимова Наргиза Шавкатовна номига берилган 288475 сонли диплом йўқолганлиги сабаб

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

УНИВЕРСАЛ САВДО ЯРМАРКАСИ

«Қашқадарёулгуржибиржасавдо» ҳиссадорлик жамиятида универсал савдо ярмаркаси бўлиб ўтди.

Ярмаркада уюшмага қарашли ташкилот ва фирмалар, вилоятдаги йирик саноат корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари иштирок этди. Савдога турли қурилиш материаллари, электр жиҳозлари, мини-технологиялар, машинасозлик, кимё, енгил ва маҳаллий саноат моллари — умумий қиймати 2 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулотлар қўйилди.

«Ўзмаштаъминот» ҳиссадорлик жамияти харидорларга тавсия этган сув насослари, газпайвандлаш ускуналари, қишлоқ хўжалик техникалари учун эҳтиёт қисмлар фермерларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, «Ўзкимёполимер-савдо», «Бухороулгуржибиржасавдо» ҳиссадорлик жамиятлари, Қаршидаги «Термопласт» заводининг маҳсулотлари ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди. Шу ернинг ўзида шартномалар имзоланди.

«МЕТАНОЛ» ЦЕХИ ИШГА ТУШДИ

Навоий шаҳридаги энг йирик кимё корхонаси — Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган маҳсулотлар тури яна биттага ортди. Бу ерда нитрон, формалин маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, шунингдек, мебель, газ саноати сингари халқ хўжалигининг ўнлаб соҳаларида қўлланиладиган метанол суюқлиги ишлаб чиқарадиган цех ишга тушди.

Эндиликда бу маҳсулотни кўп маблағ сарфлаб четдан олиб келишга ҳожат йўқ. Чунки янги цехда йилига 35 минг тонна метанол тайёрлаш имконияти бор. Бу эса республика эҳтиёжини тўлиқ қондиради.



— Ҳе, тухумнинг ичидаги,
Беркинмоқнинг йўқ кераги.

Чиқолмасанг ёрдам берай,
Бир чўқийю, озод қилай...

Маҳалла — тарбия ўчоғи

Ўтган йил 12 август куни Каттақўрғон шаҳар прокуратурасига «Дўстлик» маҳалласининг Шавқий кўчаси, 34-уй, 13-хонадонида яшовчи Валентина Москалева деган аёл ўлдирилиб кетилганлиги ҳақида хабар беришди. Прокуратура терговчилари ушбу жиноий ишни очиш учун ички ишлар бўлими ходимлари билан дарҳол ишга киришдилар. Ёши олтмиш бешга бориб қолган ёлғиз бу аёл ўлимининг сабаби нимада? Унинг жонига ким қасд қилди? Етти ўлчаб, бир кесадиган терговчиларимиз воқеани ипидан игнасигача ўрганишди.

«ДЎСТЛИК»ДАГИ ҚОТИЛЛИК

ёки маҳалланинг эгаси борми?

Ёлғиз боши билан шахсий бойлик орттиришга муккасидан кетган Валентина Москалева бир неча йиллардан буён қўлбола спиртли ичимлик тайёрлаб, маҳалла аҳолисига ошкор сотиб юрарди. Муридларига унинг эшиги ҳамиша очиқ. Баъзан тонг отгунча унинг хонадонидан ичувчиларнинг қадами узилмайди. Ана шулардан бири — 33 ёшли Тоҳир Асоев деган йигит Валентинанинг буюмларига, унинг қулоғидаги қимматбаҳо сирға-ю, қўлидаги тилла узукларига зимдан назар ташлаган экан. Бу хонадонда мўмайгина «ўлжа» бор экан, дея кўнглидан ўтказганди Тоҳир.

Тоҳир Валентинанинг қалбига қўл солиб дейди:

— Эртага қўлбола ароғингизни ўзим олиб кетаман. Яна бошқаларга сотиб қўйманг.

— Ҳаммасини оласанми?

— Ҳа, идиш олиб келиб ҳаммасини нақд пул бериб оламан. Фақат мени олиб кетаётганимни биров билмаслиги керак.

— Буёғидан хавотирланма, — дейди Валентина, — менинг хонадонимга пашша ҳам киролмайди.

Тоҳир Асоев белгиланган кун, яъни 12 август айни пешинда Валентина хонадонига кириб келади.

— Қўлбола ароқ тайёрми?

— Тайёр бўлганда қандоқ. Ичасанку кайфидан ором оласан, — дея мақтаниб жавоб қайтаради хонадон бекаси.

— Ундай бўлса қиттак тотиб кўрсак майлими?

— Марҳамат.

Валентина Тоҳирга юз грамм қуйиб узатди.

— Ўзингизга ҳам қуйинг, иккаламиз отамлашганимизнинг гашти бўлак бўлади-да, опахон.

Валентина муридининг раъйини қайтаргиси келмай, ўзига ҳам қуйиб бирга ичишади.

— Пули мендан, яна қуйинг, — таклиф этади Тоҳир Асоев. Улар анча ширакайф бўлганидан сўнг, Тоҳир хона эшикларини бекитиб ишга киришди. У аввал магнитофон шнури билан Валентинанинг бўйнидан бўғади. Сўнгра пичоқ билан пешонасини «бежайди». Қаттиқ бўғилган ва жароҳат олган Валентинанинг юраги тўхтаб, бир умрга кўзи юмилади. Асл мақсади бойлик ўмариш учун келган Тоҳир Асоев вақтни бой бермай, уй эгасининг қулоғидаги тилла сирға ва қўлидаги узукларини, хоналарни тинтув қилиб, йиғиб қўйган пулларини олиб, ҳеч нарса билмагандай чиқиб кетади.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, босқинчи Тоҳир Асоев узоққа боролмади. Қотил қўлга олинди. У тергов давомида айбига иқрор бўлди. Қилмиши учун Самарқанд вилоят суди томонидан йигирма йил озодликдан маҳрум этилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Каттақўрғон шаҳрининг «Дўстлик» маҳалласида ана шундай фожеали ва кўнгилсиз воқеалар бўлиб туради. Хўш, нега? Маҳаллага эга йўқми? Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, маҳалла фаоллари, айниқса, қўмита раиси Сайфулла Назаров аҳоли ўртасида тарбиявий ишларни, маҳалла осойишталигини сақлаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий нормаларни, қонун талабларини бажариш сингари масъулиятли вазифани мутлақо унутиб қўйган. Шунинг учун ҳам «Дўстлик» маҳалласида ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик сингари иллатлар кўпайиб бормоқда. Биргина ўтган 1999 йилнинг ўзида маҳаллада 17 та жиноят содир этилди. А. Ҳолмуродов, Т. Узоқов, У. Нурматов, Б. Жўраев, Б. Минакаева, Р. Горгаев, Р. Миникаева сингари шахслар ўғрилик билан қўлга тушган бўлса, К. Қурбонов, Л. Равшанов, У. Рустамов, Б. Мирзаев сингари шахслар одамлар баданига қасддан шикаст етказиш жиноятларини содир этдилар. М. Жумаева деган шахс яшаб турган хонасини фоҳишахонага айлантирганлиги, З. Салоҳиддинов, Х. Абдулмановлар эса гиёҳвандлик билан шуғулланганликлари аниқланди.

Кейинги пайтларда «Дўстлик» маҳалласида фоҳишахоналар очиш ва шу йўл билан харом пул топувчилар аниқланди. Ўтган йил шаҳар ички ишлар бўлими терговчиси О. Мустафоев ва А. Раимовлар томонидан фуқаро Мавжуда Жумаева ўзи яшаб турган Шавқий кўчасининг 23-хонадонида очиқ-ойдин фоҳишахона очганлиги аниқланиб, прокуратурага маълум қилишди. Шунингдек, ички ишлар бўлими томонидан Алишер Холмуродов ва Шерали Болтаевлар спиртли ичимликлар ичиб, автомашина И. Ниёзов ва Й. Саленколарнинг молмулкларини ўғирлаганликлари очилди.

Биргина шу йилнинг уч ойи мобайнида ана шу «Дўстлик» маҳалласида тўртта жиноят содир этилди. Фуқаро Х. Абдулмановнинг гиёҳвандлик моддасини кўп миқдорда сотганлиги, Улуғбек Рустамовнинг Марҳабо Рўзиевага нисбатан тан жароҳати етказганлиги, К. Қурбонов деган шахс турмуш ўртоғи Гулнора Носировани уриб, унга нисбатан тан жароҳати етказганлик ҳолатлари ана шулар жумласидандир.

Хуллас, «Дўстлик» маҳалласида содир этилаётган ғайриқонуний ишлар мунтазам давом этиб келмоқда. Ачинарли томони шундаки, ушбу маҳалла ҳудудида паспортсиз ва хонадон дафтарларига қайд этилмаган шахсларнинг кўпайганлиги, шунингдек, муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламай юрган, сурункали равишда ичкиликка берилган шахсларнинг кўпайганлиги, кўмакка муҳтож оилаларга нисбатан эътиборсизлик сингари далиллар маҳалла раиси С. Назаровни сира ташвишга солмаётир. Содир этилган ҳар бир жиноят ва қонунбузарлик тафсилоти ҳақида шаҳар ички ишлар бўлими томонидан «Дўстлик» маҳалласи раиси С. Назаровга юборилган тақдимнома юзасидан маҳаллада ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган қонунлар ижросида йўл қўйилган хато камчиликларни бартараф этиш ўрнига ҳеч нарсани кўрмагандек бепарво юрган.

Шаҳар прокуратураси томонидан мазкур маҳалладаги холат тўлиқ талқин этилиб, Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Дўстлик» маҳалласи фуқаролар йиғинига тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимнома шаҳар ҳудудидаги барча маҳалла фаоллари иштирокида атрофлича кўриб чиқилди. Тақдимномага биноан шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар фуқаролар йиғини томонидан «Дўстлик» маҳалласи қўмита раиси С. Назаров мазкур лавозимга нолойиқ деб топилди.

Омон ЭШҚОБИЛОВ,
Каттақўрғон шаҳар прокурори.

Адолат
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ, Акбарҳўжа РАҲИМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мурод КАЛОНХОНОВ, Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.

Навбатчи — Саъдиддин САЙДИСЛОМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 737, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди 20.00.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.